

Ленин номли колхоз аъзолари, Ғалабагиз муборак!

Гулистон районидagi Ленин номли колхоз аъзолари давлатга 6450 тонна пахта топшириб, планни ошириб бажардилар, бу йил пахтанинг ялпи ҳосилини 10 минг тоннага етказишга қарор қилдилар



КОЛХОЗНИНГ ИЛГОР КИШИЛАРИ. Суратларда: (биринчи қаторда, чапдан) 11-бригада бошлиғи Эсонбек Қодиров, 21-бригада бошлиғи Лапас Жўраев, илгор теримчи Турсунои Бобокалонова, 2-участка бошлиғи Пулат Азимов, бош бухгалтер Носиржон Раҳматов, СоюзНИХИ ходими П. П. Язиков, колхоз раиси Соиб Назаров, дондгор бригада бошлиғи Ғанишер Юнусов, 1-участка бошлиғи Мирзааҳмад Раҳимов, бош агроном Мамаширф Назаров, 14-бригада бошлиғи Шерали Мингбоев; (иккинчи қаторда, чапдан) 9-бригада бошлиғи Сайдулла Мансуров, 7-бригада бошлиғи Махди Идрисов, 23-бригада бошлиғи Норбой Норқўнаев, 3-участка бошлиғи Эргаш Жалилов, гидротехник Муғаллим Шокиров, илгор теримчи Жонсурат Мухтадова, 1-бригада бошлиғи Акбарали Иўлдошев, 4-участка бошлиғи Ботир Юсупов, табелчи Андакул Саримсоқов, 6-бригада бошлиғи Кўпайси Мухиддинов, 3-бригада бошлиғи Қобил Имомов ва илгор теримчи Олий Абдуллаев ўртоқлар.

Хали йўлда эканмиз, план тўлгандан кейин колхозда иш бўшатириб юборилмадики, деган фикр ҳаёлимизни банд қилганди. Аммо қишлоққа киришимиз билан кўнглимиз тоғдек кўтарилиди. Каттақон асфальт йўлининг ҳар иккала томонидаги яхлит карталарда юзлаб чевар кўлар жадаллик билан пахта териларди.

ИГИТ СУЗИДАН, ЙЎЛБАРС ИЗИДАН...

Утган йили областда ҳам, районда ҳам пахта тайёрлаш плани бажарилмай қолди. Йил сайин гуркираб ўсаётган Ленин номли колхоз ҳам пахта ҳосилдорлигини мўлжалга етказмади. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 22 центнерга аранг етди. Колхоз анча чўкиб қолди.

Хўжаликнинг жонқуяр кишилари келгуси йил бу дегни ювиб ташлаш учун ҳаммадан кўпроқ бош қотирилди. Ниҳоят улар орасидан шерларнинг шери Ғанишер ака Юнусов даврага чиқди.

низация — пахта териш машиналари пахтакорларнинг оғирини енгил қилди. Сергайрат механизаторлардан Мақсуд Хатамов, Абдураим Эргашев ўртоқлар айниқса унумли ишладилар. Уларнинг ҳар бири бир қаторли терим машинаси билан кунига 4—5 тоннадан пахта тердилар. Теримчи йигитлар ҳам олингач мажбуриятни мўлжаллаб астойдил меҳнат қилишди. Мансур Муродов, Адашбой Абдувалиев, Абдуҳамид Солибоев ўртоқлар ўзаро мусобақаланиб ҳар бири хирмонга кунига 250—300 килограмдан пахта тўкиб турди. Бригаданинг бошқа аъзолари ҳам чакки ишламади. Шу тўғрисида айрим кунларда 12—14 тоннадан пахта терилиб давлатга топширилди.

МЕХАНИЗАЦИЯДА ХИҚМАТ КҮП

Утган йили ҳосилдорликнинг кескин камайиб кетиш сабабларидан бири ғўза парвариишдаги тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилмаганилиги эди. Чунки пахта майдони катта бўлиб,

да ғўза парварииш соҳасида ўтган йили йўл қўйилган камчиликлар такрорланмади. Ҳарбир ишнинг ўз вақтида бажарилиши учун тўла имконият туғилди.

Илгим-теримда ҳам механизациядан унумли фойдаланилди. Механизаторлар шу кунга қадар машиналар билан 400 тонна пахта тердилар. Бундан буён механизация ердамида яна 300 тонна ҳосилини йигиб олишга қарор қилинди. Пахтачиликда механизациядан кенг фойдаланган айрим бригадалар пахтанинг ташарлини кескин камайтирдилар. Ўртоқ Лапас Жўраев бошқабўлган бригаданинг 8 аъзоси 60 гектар ердан салкам 34 центнердан пахта йигиб олди. Сарф қилинган харажатлар йил бошида мўлжалланганидан икки баравар кам бўлди. Ўртоқ Ғанишер Юнусов бошлиқ бўлган бригадада ҳар бир центнер пахтани ештириш учун пландаги 186 ўринга фақат 111 сўмдан пул сарфланди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Соибжон ака Назаровнинг номини тилга олиш ўрнида. У колхозга салкам 20 йилдан бери раҳбарлик қилапти. Шу давр ичида унинг раҳбарлигида ажойиб пахта усталари, малакали раҳбар кадрлар, ўзига топширилган ишни дўндириб, кўпчиликка танилган механизаторлар, чорвадорлар етишиб чиқди.

Мана, Мирзааҳмад Раҳимовни олинг. Ўртоқ Раҳимов бошлиқ қилаётган марказий участка ўтган йили пахта тайёрлаш планини 60 процентга аранг етказган эди. Бу йил Мирзааҳмад ака жон куйдириб ишлади.

политехника институти студентларининг номини ҳурмат билан тилга олишди. Меҳнатсевар ёшлар қисқа муддат ичида роса минг тонна пахта териб олди. Улар бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилишиб, яна 300 тонна ҳосилини йигиштириб бериш мажбуриятини олийдилар. Ахир бундан ҳам ортиқ жонқуярлик бўлади-ми!

Етиштирилган мўл ҳосилини йигиб-териб олинди Тошкент савдо техника куми, Бўстонлик, Фрунзе районларининг меҳнаткашлари, шунингдек Мирзаҷўла шаҳар аҳолиси ҳам катта ишлар қилдилар.



Ғанишер Юнусов илгор механик-ҳайдовчи Мақсуд Хатамовни эришилган муваффақиятлар билан табрикламоқда.

Яиллик план сентябрь ойидаёқ бажарилган эди. Бу ғалаба ташаббускор пахтакорларнинг кучига-куч, гайратига-гайрат қўшди. Мажбуриятни ҳам тездор бажариш учун кўрашилди, терим суръати янада кўрайтирилди. 18 октябрга келиб, 82 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 54 центнердан ҳосил йигиб олинди.

ШЕРЛАР МАКОНИ

Эндилкида Ленин номли колхозни шерлар макони деб аташадиган бўлиб қолишиди. Бу бениз амас, айниқса кейинги 3—4 йил ичида ҳосилдорликни кескин ошириб, хўжаликнинг давлатига-давлат, обрўсига-обрў кўнган пахтакор бригадалар сонини кўпайди. Сақлабодли Аноркулов, Дўрмон Турсунатов, Акбарали Пулдошев, Лапас Жўраев, Қобил Имомов, Шерали Мингбоев сингари ишнинг кўзини билган деҳқонлар ана шундай илгор бригадаларни бошқармоқдалар.

Колхозда ҳар бири йирик бир хўжаликни бошқара оладиган бригадалар бор. Коммунист Сақлабодли Аноркулов шуларнинг бири. У бошқаратган бригада аъзолари бу йил 150 гектар ерга чигит эккан эди.



2-бригада бошлиғи ўртоқ Сақлабодли АНОРКУЛОВ.

механизациядан кенг фойдаланилмади. Натияжада ғўза парвариишда ҳам, кейинги ишларда ҳам ишчи кучи камлик қилиб қолди.

Бу йил аса ана шу соҳада кескин буррилиш бўлди. Асбей майдонларга режа сими тўртиб чигит экилди. Ғўза кўп майдонларда кетмон ишлатмай парварииш қилинди. Натияжа-



Колхозда қўсак чувиш машиналари бетўхтов ишлаб турибди. Суратда: Халилшер Ғаниев, Хисмулла Асатов ва Холмон Холмиқов ўртоқлар иш устида.



Илгор теримчи ўртоқ Кўпайси САТТОВА.

лик план ошириб бажарилди. Демак, мажбуриятни бажариш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Яна 3550 тонна пахта тайёрлаш лозим. Шундай катта майдонга ага бўлган колхозда октябрнинг ўрта белидаёқ планини юз қилиб қўйиш ҳазилга гап эмас. Шундай экан, бу юксак ғалаба қандай қилиб кўлга киритилди? Бунинг қатор сабаблари бор.

Ташаббускор пахтакорлар механизацияга суяниб, йил бўйи фидокорона меҳнат қилдилар. Вақти келганда ҳафталаб этик етилмади. 16 азамат катта ишлар режасини тузиб, далада этиб олишди. Оқибатда ер янги, тобига келмаган бўлишига қарамай, ҳосил жуда мўл бўлди.

Бунадай ҳосилини Мирзаҷўла ўз тарихида биринчи марта кўриб турибди, дейишди бригадада бўлган кишилар. — Бу ҳақ гап. Бригада аъзолари августнинг охиридаёқ етиштирилган ҳосилини йигиб олишга киришдилар. Одим ердан бир хирмон «оқ олтин» чиқабеганидан кейин, илгариги мажбурият ҳам ўзгартирилди. Аввал ҳар гектар ердан 55, терим ўрталарида аса 57 центнердан ҳосил кўтаришга қарор қилинди.

Илгим-терим ушшоқлик билан ўтса, етиштирилган ҳосил совуқда, намгарчиликка қолмаса, хирмонга барака кириверади. Бригада аъзолари шу мулоҳаза билан астойдил меҳнат қилишди. Терим жадал олиб борилади.

Бригадада бор-йўғи 16 киши бўлишига қарамай, иш унуми жуда ортиқ эди. Сабаби, қудратли меха-



Колхозда шудгор қилиш ишлари ҳам бошланиб кетди. Суратда: тракторчи Мурод Аблякимов (донрада) ер ҳайдамоқда.

Участкада меҳнат интизомини мусовтақлаш, кадрлар танлаш, механизациядан унумли фойдаланиш, пахтачиликда илгор деҳқончилик тажрибаларини қўлланиш соҳасида кўп ишларни қилди. Мўл ҳосил учун кураш йўлида дуч келган камчиликларни тажрибали деҳқонлар, мутахассислар билан биргаликда ўз вақтида тугатди. Натияжада 800 гектар пахта майдонида мўл ҳосил етиштирилди.

Участка пахтакорлари 18 октябрга қадар 800 гектар ердан 33 центнердан ҳосил кўтардилар. Хали пайкалларда анча ҳосил бор. Шунинг учун ҳар гектар ердан ана 7 центнердан ҳосил йигиштириб олишга аҳд қилинди. Демак, бир йил ичида бу участкада пахта ҳосилдорлиги икки баравар кўпайди.

Механизатор Халил Мамадулов, шофер Ҳамдам Рустамов, аравакаш Нормамат Диев, сувици Усуббой Раҳимов, еш пахтакорлардан Хўжамқул Чиннибеков, Абдуҳамид Солибоев ўртоқлар ҳам колхознинг чинакам жонқуярлари. Ана шуларнинг ҳаммаси аҳиллик билан бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилганликлари тўғрисида колхоз йилдан-йилга оғоб бўлаётди. Даромад бетўхтов ортиб бормоқда.

Бу йил колхоз жонқуярлари сафига яна кўпайиб жонқуярлар қўшилди. Булар пахта терими пайтида колхозчиларга ердама келган шахарликлардир. Ҳозир пахтакорлар билан суҳбатлашсангиз улар айниқса

Колхозда умумий сафарбарлик давомида ушшоқ сафарбарлик дивизиони ярим йўлда қолдирмай-миз дейишиб, бир гайратта ўн гайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Ҳали қилинадиган иш кўп. Аммо бади



Мавсумда 15 тонна пахта терган теримчи Уғлиёй БОЛТАБОВЕВА.

жарилган иш ҳам чакана эмас. Шундай экан теримнинг дастлабки бир ярим ойидаёқ ҳар гектар ердан салкам 25 центнердан «оқ олтин» кўтарган азамат пахтакорларга бутун обхаст меҳнаткашлари чин ирақдан табрик йўлламоқдалар.

— Ғалабагиз муборак бўлсин, пахтакор дўстлар!

(Бу саҳифа С. СУЛТОНОВ, Т. УНАБОВЕВ ва В. САЛОВ ўртоқлар томонидан уюштирилган.)

